

*8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни*

# АСОСИЙ ҚОНУН ВА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИГИ АНЪАНАЛАРИ

Ўзбек халқининг асрлар давомидаги орзуси — ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эришиш 1991 йил 31 августда ушалди. Шу куни Ўзбекистон республикасининг мустақиллиги эълон қилинди. Ўзбекистон тинч, парламент йўли билан ўзининг ҳақиқий миллий давлатчилигига эга бўлди. Шундан сўнг 1992 йил 8 декабрда Олий Кенгашнинг XII чақириқ ўн биринчи сессиясида янги Конституциянинг қабул қилиниши буюк тарихий воқеа бўлди. Чунки ҳар қандай давлатнинг, халқнинг ёки миллатнинг мустақиллиги ва дахлсизлигининг энг муҳим белгиларидан бири унинг Асосий Қонуни — Конституциясининг мавжудлигидадир.

Тарихи қарийб минг йилларга тенг ўзбек халқининг ана шундай Конституцияга эга бўлганлигига бор-йўғи икки йил бўлди. Лекин ўзбек халқи тарихида ҳам жуда кўп Конституциялар мавжуд бўлган ва улар қадимда турлича номлар билан аталган. Умуман дунёдаги қайси бир давлатнинг келиб чиқишига назар ташлар эканмиз, у қачон ташкил топса ёки мустақилликка эришса дарҳол ўзининг Асосий Қонунини ёки Конституциясини қабул қилади. Чунки бундай қонун ушбу давлатнинг мустақил амал қилиши ва ривожланишида ҳуқуқий дастур бўлиб хизмат қилади. Масалан, энг қадимги даврларда — эрамиздан олдинги IV мингинчи йилларда ташкил топган Миср давлатининг ҳам дастлабки конституциявий характердаги қонунлари бўлган. Лекин бу қонунлар Конституция деб номланмаган бўлса-да, ўзида конституцион нормаларни, қоидаларни акс эттирган. Бундай қонунларга мисол қилиб фиръавн Рамзес IIнинг армияни мустаҳкамлаш, тоифаларни белгилаш ҳақидаги қонунчилиги, эрамиздан олдинги VII асрдаги подшо Бокохороснинг 8 китобидан иборат қонунлар тўпламини кўрсатишимиз мумкин. Худди шунингдек, эрамиздан олдинги III мингинчи йилларда Фрот ва Дажла дарёлари оралиғида ташкил топган Бобил давлатида подшо Хамурабби даврида (эрамиздан олдинги 1792-1750 йиллар) унинг қонунлари мазкур давлатнинг энг Асосий Қонуни ҳисобланган. Унда давлат ва фуқаролар ҳамда фуқароларнинг ўзаро муносабатлари тартибга солинган. Хамурабби қонунларининг кириш қисмида ушбу қонунни чиқаришдан мақсад мамлакатда адолат ўрнатишдир дейилади. Жаҳон Конституциявий ва қонунчилик тарихий тажрибасидан бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Тарихда ўзбек давлатининг Асосий Қонуни буюк бобомиз соҳибқирон Амир Темур номи билан боғлиқдир. 1369 йил 8 апрелда Балхда йиғилган миллат мажлиси — Қурултойда Амир Темур Мовароуннаҳрнинг ягона ҳокими этиб сайланган ва тез орада Ўрта Осиёда қудратли марказлашган давлатга асос солган. Унинг томонидан яратилган давлатни бошқаришдаги Асосий Қонун — "Темур тузуклари" оламшумул-тарихий аҳамиятга эга ҳуқуқий ҳужжатдир. Ҳозирги кунда ҳам бу асарнинг аҳамияти сақланиб қолган бўлиб, уни жуда кўп хорижий давлатлар, жумладан, Англия, Франция, АҚШ, Дания, Эрон, Ҳиндистон, Туркия, Миср, Яман ва бошқа давлатларда зўр қизиқиш билан ўрганишади. "Тузуклар"да давлат бошқарилишининг ташкил этилиши ва "одил судлов"ни амалга оширилишига алоҳида эътибор берилган. Унда давлатнинг дахлсизлигини ҳимоя қилиш, амир ҳокимиятининг суверенлиги, вазирларнинг бурчлари ва вазифалари, улуслар амирлари ва туманлар ҳокимларининг бурчлари, давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини ва мамлакатдаги тинчликни ҳимоя қилиш, аҳолидан олинадиган солиқларнинг миқдорлари, қўшинлар бошлиқларининг тайинланиши, мансаб кўтарилишлари ва мукофотланишлари ва ҳоказолар ҳақида мукаммал қоидалар баён этилади. Ҳеч шубҳа йўкки, мазкур ҳужжат ўз даврининг Асосий Қонуни — Конституцион ҳужжати бўлган.

Ўзбекистон тарихининг кейинги даврларида ҳам алоҳида-алоҳида мустақил давлатлар ва уларнинг асосий Қонунлари мавжуд бўлганлиги маълум. Бунда айниқса, XVI асрнинг бошларида вужудга келган Бухоро ва Хива, кейинчалик ташкил топган Қўқон хонликлари назарда тутилмоқда.

Бироқ юртимиз тарихида ўзгача шаклдаги, ўзгача мазмундаги Конституциялар мавжуд бўлганлигини ҳам биламиз. Россиядаги Октябрь давлат тўнтарилиши натижасида Ўрта Осиёдаги мустамлака ўлкаларида ҳам совет ҳокимиятлари ўрнатилганидан сўнг юртимизда "большевистик қонунлар ва идора усули" жорий қилинган. Жумладан, Туркистонда 1918 йилда совет ҳокимияти ўрнатилиб, шу йилиёқ Конституция қабул қилинган. Кейинрок, 1920 йилда янгиси ишлаб чиқилиб, жорий этилган. Хоразм ва Бухорода ҳам совет ҳокимияти ўрнатилиб, 1920-1921 йилларда уларнинг Конституциялари ишлаб чиқилган ва кўп вақт ўтмай, 1923-24 йилларда бириникига ўзгартишлар киритилган, иккинчисиники янгиланган. Лекин юқорида кўрсатилган Конституцияларнинг барчаси Россиянинг 1918 йилги Конституциясининг бир нусхаси бўлган эди, десак унчалик янглишмаймиз. Ушбу Конституцияларда "халқларни ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи"дан, мустақиллик, суверенитет белгиларидан асар ҳам йўқ эди.

Ўзбек халқининг яқин ўтмишига мурожаат қилсак яна бир қанча Конституциялар ўйлаб топилганлигининг гувоҳи бўламиз. 1924 йилда гўёки мустақил, суверен Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси барпо этилиб, 1927 йилда унинг биринчи Конституцияси қабул қилинган. Шубҳа йўқки, мустамлакачилик тизими замонавий услублар билан ниқобланган. Кейинчалик эса 1937, 1938 йилларда яна янги Конституциялар ишлаб чиқилган. Лекин ушбу Конституцияларнинг ҳаммаси собиқ СССРнинг 1924, 1936 ва 1977 йиллардаги Конституцияларидан кўчирма эди, холос.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилда қабул қилинган биринчи Конституцияси ўз мақсади, мазмуни ва моҳияти жиҳатидан тамомила янги ҳужжатдир. У ҳеч қандай ташқи таъсирсиз, бирон-бир нуфузли давлатнинг аралашувисиз, юртимизнинг ички табиий-жўғрофий, маданий-иқтисодий ва миллий-ирқий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда ишлаб чиқилган ва қабул қилинган Асосий Қонунимиздир.

Ҳар қандай қонун, жумладан Асосий Қонун ҳам қачонки келажакда ўзгартиришлар ва қўшимчаларга кўп муҳтож бўлмаса, у мустаҳкам бўлади, халқ олдида обрў-эътиборга сазовор бўлиб, узоқ яшайди.

Биз зўр мамнуният билан эътироф этишимиз мумкинки, жаҳон мамлакатлари Конституциявий қурилиш тажрибасига улкан ҳисса қўша оладиган, ўзининг халқчиллиги билан дунёга танилиб бораётган Конституциямиз анча мукаммалдир. Бу шуни англатадики, Асосий Қонунимиз жамиятимизнинг барча томонларини тўлиқ қамраб олган ва ҳаётга тобора чуқур сингиб, давлатимизнинг буюк келажаги учун ҳақиқий ҳуқуқий дастур бўлиб хизмат қилмоқда.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, юртимизнинг ушбу оламшумул ҳужжати бирданига вужудга келмади. У ўзида ўзбек халқининг узоқ ўтмишида оғир ва машаққатли синовлардан ўтиб, шаклланиб, сайқаллашиб келган ғоят чуқур ва сермазмун анъаналарини мужассамлаштирди ҳамда асрлар давомида мисқоллаб қўлга киритган ютуқларини акс эттирди. Конституцияда мустаҳкамланган давлат бошқаруви масалаларини кўриб чиқадиган бўлсак, унда ўзбек миллий давлатчилигининг кўпгина қадимий, диққатга сазовор анъаналари, удумлари давом эттирилганлигини кузатиш мумкин. Аввало, Конституциянинг 4-моддасидаёқ Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади, деб белгиланиши бежиз эмас. Конституциянинг III бобида мустаҳкамланган Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципи қадимги даврлардаги давлатларда ҳам мавжуд бўлган. Масалан, подшо Доронинг ёзувларида кўрсатиладики, у томондан ўрнатилган "қонун" унинг давлатига кирган мамлакатни ушлаб турган ва бу "қонун" нуфузи юксак бўлган. Улуғ Амир Темур ҳам қонунни ҳамма нарсадан устун қўйган. Унинг даврида шароит, яъни мусулмон ҳуқуқи ва унинг асосида вужудга келган "Темур тузуклари" асосий ҳуқуқ манбалари ҳисобланиб, уларга амал қилиниши сўзсиз мажбурий эди. Темур ўз "тузуклари"да қонунда кўрсатилган ҳоллардан ташқари, бошқа қўшимча тарзда, аҳолидан ҳеч қандай "олиқ-солиқ" талаб қилинмаслигини кўрсатади. "Тузуклар"да давлат бошқарувининг мукаммал тизими ўрнатилиб, ҳар бир давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилган. Унда кўрсатилган жамиятнинг юқори қатлами вакилларидан иборат мажлис, тор доирада Темур маслаҳатчилари билан ўтказиладиган кенгаш, марказий бошқарув идоралари ҳисобланган девонбеги бошчилигидаги девонхона, вазирлар, маҳаллий жойларда бошқарувни амалга оширувчи вилоятларнинг ҳокимлари — валилар, ўлкаларнинг бошлиқлари — беклар ва шаҳарларнинг ҳукмдорлари — ҳокимлар ва бошқа бир қанча давлат идораларининг ташкил этилиши ва фаолияти қоидаларидан маълум маънода Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ишлаб чиқишда фойдаланилган дейишга асослар бор.

Бизнинг бундай қиёслашимиздан мақсад шуки, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституцияси ҳеч бир давлатнинг Конституциясидан кўчириб олинмаган ёки уларга тақлид қилинмаган. У шубҳасиз, жаҳон мамлакатлари конституциявий қурилиш тажрибасини ўрганиш асосида ва ўзбек миллий давлатчилиги анъаналарини янада ривожлантирилиши негизида вужудга келди.

Конституциянинг қанчалик демократик, халқчил эканлигини фақат унинг туб мазмуни ва холис кишиларгина тўғри изоҳлаши мумкин. Шу ўринда мен ўтган йили Ўзбекистонга меҳмон бўлиб келган француз ҳуқуқшунос олими Оливье Шмидтнинг Тошкент Давлат юридик институти жамоаси билан бўлган учрашуви чоғида айтган қуйидаги сўзларини фикрингизга ҳавола қилмоқчиман: "Ўзбекистоннинг янги Конституцияси ўзининг ихчам тузилганлиги, сермазмунлилиги, жуда кўп ўзига хос миллий хусусиятлари билан ажралиб туради ва жаҳондаги биронта давлатнинг Конституциясига айнан ўхшамайди. Ишончим комилки, у дунёдаги энг демократик Конституциялардан биридир". Умуман жуда кўп хорижий давлатларда Ўзбекистон Конституцияси зўр қизиқиш билан ўрганилмоқда ва ижобий баҳоланмоқда. Айтиш мумкинки, ўзбек халқининг ҳақиқий турмуш тарзини, келажагини бугун дунёга яқиндан танитмоқда.

Эндиликда улуғ Ватанимизнинг ҳар бир "Элим деб, юртим деб ёниб яшовчи" кишиларининг муҳим вазифаларидан бири давлатимизнинг кўрки бўлмиш Асосий Қонунини чуқур ўрганиб, тарғиб қилиш ва ҳаётга тадбиқ этишдир.

**Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,**
**Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси.**

*Абдулла Қодирийнинг 100 йиллигига*

# АСРЛАРГА ҲАМНАФАС ИЖОД

*Дил тубидан*

## ҚУТЛУҒ АБАДИЯТ

Мен сизни жуда кўп марта кўрганман. Ҳамиша олдинга нигоҳингизни қадаб, ҳорғин қадам ташлардингиз.

— Қаердан келяпсиз? — деб сўрасам,

— Олисдан. 30-йиллардан, — деб жавоб берардингиз.

— Қаерга кетяпсиз? — деган саволимга эса:

— Абадиятга, — деб жавоб берардингиз.

Бугун мен ўша сиз босиб ўтган олис йўлларингизга бир бор назар ташлашга жазм этдим.

30-йилларнинг чағир тошли сўқмоқлари худди кўзларимга ботгудек эди. Ҳар битта тошидан, ҳар битта муюлишидан даҳшат ёғилиб турарди. Сиз ана шу йўллардан мардона ўтиб келдингиз, бу йўлларнинг, бу йилларнинг таърифини келтиришга тилим айланмайди. Тилим бойланади. Сизку ўша йилларни, ўша йўлларни, ўша "вафодор" дўстларни яшадингиз. Биз эса ҳатто эслашга журъатимиз гоҳ етиб, гоҳ етмайди.

Кейин сизни 40-йилларда ҳам кўрдим. Кўзларингизда ғусса, юрагингизда чексиз ғам, елвагай келар эдингиз.

— Қаёққа? — деган саволимга яна:

— Абадиятга, — деб жавоб бердингиз.

Жабҳаларда эса шиддатли жанглар борарди. Не-не навқирон йигитлар жон фидо қилардилар. Улар юртимизнинг асл фарзандлари эди.

Мен сизни 50-йилларда ҳам кўрдим. Яна ўша ғуссали кўзлар. Яна ўша табассум излари кўринмайдиган чеҳра. Яна ўша қорасидан оқи кўп сочлар.

—Бу гал ҳам "қаёққа?" — деган саволимга:

— Абадиятга, — деб жавоб бердингиз.

Ўшанда сизнинг жавобингизнинг асл маъносига тушуниб етмаган эканман. Уни тушуниб етишим учун яна ўнлаб йиллар сиз билан учрашишимга, сиз билан савол-жавоб қилишимга тўғри келди. Сиз излаган абадият мустақиллик, озодлик эканини ниҳоят англаб етдим. Сиз бунгача қанчалар йўлларни босиб ўтдингиз. Номингизни тилга олишни ман этдилар. Сиз юракларда яшайвердингиз. Китобингизни ўқишни ман этдилар. Сиз эса тилимизда яшадингиз, хотиримизда яшадингиз.

Сиз ҳар кўрганимда гоҳ Отабек бўлиб, гоҳ Анвар бўлиб, "Адолат қаерда?" деб сўрадингиз. Адолат ҳақиқатда экан. Сизнинг қалбингизда барқ уриб турган ўша манзил — абадиятни ёзган ҳар бир сатрингизда бизга борган сари яқин келтирган бўлсангиз, не ажаб!

Ниҳоят сизни бугун яна кўрдим, муҳтарам зот! Сиз олис уфқларга нурли нигоҳингизни қадаб мағрур турардингиз.

— Қаёққа? — деган саволимга бу гал:

— Мен кўзлаган манзилимга — абадий истиқлолимга етиб келдим, — дедингиз.

Бугун сизни юз ёшга кирганингиз билан табриклайман. Лекин сиз абадий ёш бўлиб қолгансиз. Яна юзлаб йиллар ўтар, лекин улар сизни асло қаритолмайди.

— Қаёққа қараяпсиз? — деган саволимга эса:

— Келажакка, нурли келажакка! — деб ҳушҳоллик билан жавоб бердингиз.

— Сиз кимсиз? — деб сўрадим. — Нима қудратингиз борки, йиллар сизни маҳв этолмайди?

Сиз менга қараб табассум билан боқдингизда:

— Мен шу халқнинг, шу ватаннинг фарзандиман! Шу халқнинг бахтини куйлаган, куйлаб тўёлмаган Абдулла Қодирийман, — дедингиз.

Муҳтарам устоз! Сизнинг куйлаб тўёлмаган истиқлол номли бахтингиз бугун сиздек куйчисини қайтадан топди. Энди асло сиздан айру тушмаяжак! Боқий абадиятингиз қутлуғ бўлсин!

**Темур УБАЙДУЛЛО.**



## БАҒИШЛОВ

**Оламга йиғлаб келиб, йиғлаб кетди Қодирий,**
**Қатағон ўқларини заҳмин тортди Қодирий.**
**Китоблари лахта қону зардоб ютди Қодирий,**
**Сўнмас руҳи йиллардан омон ўтди Қодирий.**

**Мардонавор юртсеварлар байроқдори эди у,**
**Истиқлолга интизорлар интизори эди у.**
**Туркистонга фидоларнинг фидокори эди у.**
**Келажакка кўп интиқ норлар нори эди у.**

**Ёвуз замон кўпларнинг қанотини қайирди,**
**Боғи-роғлар бағрида зоғу қузғун сайради.**
**Устозим Қодирийни жисман биздан айирди,**
**Билмам шундоқ инсоннинг гуноҳлари на эрди?**

**Қалбин дурин кўзга суртиб, беун-беун бўзлайман,**
**Соғинчимни Отабек, Анварларга сўзлайман.**
**Аё устоз шаҳримдан изингизни излайман,**
**Тополмайман, изтиробда дил-бағримни тузлайман.**

**Муқаддасдир сиз яратган оташ мисол муҳаббат,**
**Яшнаётир юртга, ёрга, садоқатга садоқат,**
**Асло сўнмас оташин руҳ, ёнаверар то абад.**
**Сизни ютган аждаҳо ўзи ўлди оқибат.**

**Отабегу Анвар эрур марду жасур ҳар ўғлон,**
**Кумуш, Раъно эмасму орли, пок ҳар қиз-жувон!**
**Зукко Юсуфбек ҳожи — етакчи ҳар отахон,**
**Улар бирмас, ўнмас, юзмас, минг-минглабдир бегумон.**

**Сиз кутгандек юрдик олға, эркни маҳкамлаш сари,**
**Туронга жон тикиб, дадил қадам босдик илгари.**
**Юрагимга таржимон бўлди қўлимда созим,**
**Шу қасидам сизга мендан таъзим бўлсин, устозим!**

**Рўзи ҚОДИРИЙ.**

# ЁЗУВЧИ САНЪАТИ

Аёнки, инсон муаммоси Шарқ шоирлари ва ёзувчилари ижодида қадимдан муҳим ўрин эгаллаб келган. Инсонни билимли, оқил, маънавий етук бир қиёфада кўриш инсонпарвар адибларимизнинг азалий орзуси эди. Бироқ бу масала ҳеч бир адибда Абдулла Қодирий ижодида бўлгани каби бўртиб кўзга ташланмайди.

Адибнинг қайси бир асарини олиб қарамайлик, унда инсон хислатлари, зийнати ва табиати, аъмол ва ниятлари ҳақида теран фикрлар юритилганининг шоҳиди бўламиз. У қайноқ ижодий ишлари билан ҳам, амалий-ижтимоий фаолияти билан ҳам одамларни тарбиялаш, улардаги одамийлик фазилатларини юксалтириш учун курашади. Айниқса, улуғ адибимизнинг фалсафий-ахлоқий қарашлари ойнаси "Ўтган кунлар" ва умрининг охирида ўзига хос панднома усулида битилган "Меҳробдан чаён" романларида мазкур масала кенг муҳокама мавзуига айлантирилади.



Адиб Абдулла Қодирийнинг комил эътиқодига кўра, киши қайси табақа ёки тоифага мансублиги, қандай амал-лавозимни эгаллашидан қатъи назар, у аввало чин маънода ўзлигини таниган инсон — ҳам хулқу одоби, ҳам ички дунёси билан дилбар ва маҳбуб бўлиши керак.

Биз жуда яхши биламизки, "Ўтган кунлар" Абдулла Қодирийга катта шуҳрат келтирди. Ундан кейин Абдулла Қодирий ўзининг журналистик фаолиятига кўп вақт ажратди ва шу ерда, назаримизда, яратиладиган янги йирик асар режалари устида иш олиб борди. Эҳтимол, адиб кўп замонларни ва мавзуларни хаёлидан ўтказгандир. Бироқ нимагадир уни яна тарих, адиб яшаган даврга нисбатан яқин ўтмиш тарихи жалб қилди. Худди шу даврни акс эттирган "Ўтган кунлар" ёзувчи назарида яқин ўтмишнинг ҳамма томонларини, китобхонларга етказиши керак бўлган барча қирраларини қамраб олмагандек кўринди.

Айтишимиз мумкинки, "Меҳробдан чаён"даги ҳаёт тасвирлари ҳам, тасвирланган давр ҳам "Ўтган кунлар"даги билан бир хил бўлишига қарамасдан Абдулла Қодирий бу асарида дастлабки романдаги бирор мотив, бирор жумбоқни ва ёки бирор образ ёхуд воқеани такрорламайди. "Меҳробдан чаён" ўзининг ҳамма жиҳатлари билан ўзбек адабиёти тарихида майдонга келган янги воқеа эди.

Китобхонларимиз бу ерда масаланинг бошқа бир томони ҳам борлигини эсидан чиқариши керак эмас. "Ўтган кунлар" кўпроқ ҳоким синф, яъни ўзига тўқлар табақасига мансуб бўлган қаҳрамонлар ҳаётини акс эттиради. Худди шу жиҳатдан Абдулла Қодирий халқ ҳаётини акс эттиришда ўзини қарздор ҳисоблар эди. Шу қарзни ўрнига қўйиш маъносида у "Меҳробдан чаён" романида пастки ва ўрта табақа вакиллари ҳаётини акс эттиришни лозим кўрди.

Адиб бу романда ҳар хил йўллар билан асосий қаҳрамонлар мантиқини — уларнинг нимага қобил ва нималарга ноқобил эканини асослашга эътибор беради. Мана, Солиҳ Маҳдум. Бир кўрганда топиш-тутишда унинг ишлари ёмон эмасдек, аммо бошқаларга таққослаганда унинг топган-тутгани бир мударрисникидан кам эмас. Аммо ўз характер хусусиятларига кўра Маҳдум анча хасис, етарли даражада таъмагир, ҳатто бироз ичи қоралиги ҳам бор. Адиб Солиҳ Маҳдумнинг бу жиҳатларини тасвирлашда сатирик услублардан ҳам фойдаланади...

Романнинг биринчи бобини бир эслаб кўринг-а, эшикдан Солиҳ Маҳдум анча яхши кайфиятда: одатда доим ҳам қилабермайдиган бир ишни қилади — анчагина чиқимдор бўлиб яхши овқатлик харажат қилиб келади, хотини ва қизига ҳамишагидан яхши муомала қилади. Кейинроқ англаб қараганимизда унинг бу хатти-ҳаракатлари, куйиб-пишиб харажат қилишлари, уйда ўзини тутиши Анварнинг янги мансабга кўтарилиши хабарини эшитиши билан боғлиқ экан. Бу билан китобхонларимиз олдида Солиҳ Маҳдум характер-хислатларига хос ҳаракатлар бир қадар мустаҳкамланса, иккинчи жиҳатдан Анвар характерига хос олижаноб хислатлар улуғланади.

"Меҳробдан чаён" сингари асарларни яратиш санъат, албатта. Бироқ асарнинг умум мазмунини яратган жумбоқларни ҳал этиб, образлар кўламидан келиб чиқадиган асосий мазмунни якунлаб, маънодор ечим топиш ёзувчилик санъатининг энг мураккаб масъулияти ва энг юқори босқичидир.

**Мирбаҳодир БАДАЛОВ,**
**педагогика фанлари номзоди.**

**СУРАТДА: Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Мирзаевнинг "Ўтган кунлар" романига ишлаган суратидан кўчирма.**

*Мозийга бир назар*

## ОТАБЕКНИ КИМ ЎЙНАРКИН?

1933—1934 йилларда бўлса керак, дадам бир кун:

— "Ўтган кунлар"ни кино қилишмоқчи...,— деб қолдилар.

Мен сўрадим

— Отабек ролини ким ўйнаркин?

— Ҳали маълум эмас, — дедилар у киши ва кулиб қўшиб қўйдилар, — артист бўлганимда эди, Отабек ролини ўзим ўйнардим.

— Нега?

— Негаки, Отабек характерини мендан яхши билувчи йўқ...

* * *

Бир кун уйимизда шундай воқеа рўй берди: ойим, одатимизча, эрталабки чойни бибимнинг уйига ҳозирлади-да, эрта туриб ёзиб ўтирган дадамни чойга чақиргани кириб кетди. Биз дастурхон теварагида унинг чиқишини кутамиз... Бир вақт ойим негадир индамай чиқди-да, ўтириб бизга чой қуйиб бера бошлади.

— Абдуллани чақирдингми, Раҳбар? — дадам чиқавермагач, ойимдан сўради бибим.

— Йўқ.

— Нега?

— Ўғлингиз йиғлаб ўтирибдилар, — деди ойим.

Бибим бечора сакраб ўрнидан туриб дадамнинг уйига йўл олди. Кап-катта кишининг йиғлашидан ҳайратга келиб мен ҳам бибим ортидан эргашдим. Кирсак, дарҳақиқат, у юм-юм йиғлар, курсига тирсакланиб олиб тўхтовсиз ёзар эди. Бибим дадамнинг бу ҳолига бироз қараб турди-да, бир нарсани тушунди шекилли, индамай мени бошлаб орқасига қайтди ва ўтириб чойини ича бошлади. Мен бибимдан сўрадим:

— Она, дадам нега йиғлаяптилар?..

— Дадангжинни бўлиб қолибди... — жавоб қилди бибим ва бошқа сўз айтмади.

Кейинчалик англасам, ўшанда ўз севикли қаҳрамони Кумушнинг ўлими пайти тасвирини ёзаётган экан.

**Ҳабибулла ҚОДИРИЙ.**

*Шахсий фикр*

## ЭКРАНДАГИ УМР ДАВОМ ЭТАДИМИ?

Абдулла Қодирий бунёд этган олам билан ҳар гал танишарканман, кўз ўнгимдан кинокадрлар кетма-кет ўтгандек бўлади. Кумушнинг меҳрини кўргандек, Зайнабнингноласини эшитгандек, Отабекнинг қайғусини ҳис этгандек бўламан. Раънонинг севгиси ва иродаси, Анварнинг эҳтироси, маънавияти мафтун этади-қўяди мени.

Қани энди шу образлар экранга кўчса, кўчганида ҳам барча фазилатларини сақлаб қолса. Йўлдош Аъзамовнинг икки фильми "Ўтган кунлар" ва "Меҳробдан чаён"да севикли адибнинг ўйлари, изтироблари, севги-садоқат тўғрисида гоҳ эҳтирос билан, гоҳ лирик психологик тарзда айтган жўшқин сўзларини тўла ифода этишга имкони бўлмади. Асарларнинг метражи ҳам романларнинг ҳажмига тўғри келмади...

Мазкур кинотасмаларнинг айрим ютуқларини, тажрибасини, кўпроқ уларнинг сабоқларини ёдда сақлаб, кўп қисмли бадиий фильмлар суратга олинишидан миллионлар умидвор.

**Маҳлиё МИРСОАТОВА.**

